

*Сотим Аваз*

# ХУҚУҚ



*Шеърлар*

Тошкент  
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий комитети  
«Ёш гвардия» нашриёти  
1990

**А 11**

**Аваз Сотим.**

«Хуқуқ». Шеърлар. — Т. «Ёш гвардия», 1990.— 56 б.

Чиқиш маълумотларида авт. Сотимбой Авазов.

Хоразмлик шоир Сотим Аваз шеърларидаги рухий ҳолат акси, фалсафий мушоҳада кишини бефарқ қолдирмайди. У ўқувчи қалбига таъсир эта олади ва замину замонга даждор, ўзига хос янги тасвир ҳамда топилмалари билан ўйлантиради.

**Аваз С. «Право». Стихи.**

Уз2

ISBN 5—633—00461—4

А 4702570200—65  
356 (04) — 90 74—90

© «Ёш Гвардия», 1990

## МУАЛЛИФДАН

Ҳуқуқ! Нимани англатади бу сўз: эгалликни ёки эга бўлиш кераклигини?! Ҳуқуқ бўлганидан кейин эгалликни англатиши мақсадга мувофиқ. Аммо ҳуқуқ, агар унинг учун курашилмаса, сақлаб қолинмаса, фақат сўз бўлиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Масалан, бизнинг Оролга эга бўлиш ҳуқуқимиз бор-у, денгизнинг ўзи йўқ.

Ҳар бир ҳуқуқ ҳақиқатга, чинакам эгаллик белгисига айланиши ҳаётий заруратдир. Авваламбор, муҳаббат ҳуқуқимиздан тўла ва беисроф фойдаланадиган кунларни орзулайман.



## ЧОЛ ВА ДЕНГИЗ

«Болалар ёлғиз,  
қўллари юпқа,<sup>1</sup>  
қарз ҳам  
беришмайди уларга...»,  
деб қайғурар  
ўлаётган чол.

«Одамлар сувсиз,  
улар иложсиз,  
ким берарди  
уларга сувни...»  
дея қуриб бормоқда  
Орол.

---

<sup>1</sup>. Қўлида айтарлик нарсаси (жумладан, пули) йўқ маъносида.

## ГУЛДОН

Гулдон ҳар кун  
гул сўрар мендан,  
катта стол устида туриб.  
Сўрайди,  
сўрайман демасдан,  
хаёлимга  
ўзини уриб.

Шу гулдоннинг  
шиша кўнглини  
олмоқ менга  
зарурдир нечун?  
Гулни  
узса арзийди  
гулдан  
гўзал қизга  
бермоқлик учун.

Қўлларимни  
бўш кўрганида  
гулдонда  
бир титроқ сезаман.  
Шунда  
уйдан бош олиб кетиб,  
Кезаман,  
кезаман,  
кезаман...

## ЙЎЛЛАР

Тош йўл,  
асфальт йўл,  
барча йўллардан  
минглаган чақирим,  
ўттиз олти йил  
юрдим.  
Шу йўллар  
юришни ўргатган.  
Шулар  
тик туришни ўргатган.

Қадамларимдан қувониб,  
поёндоз бўлиб,  
йўллар  
мени олиб бориб  
кўп одамга  
дўстлаштирди.  
Кўплар билан  
ҳуқуқ ва эрк,  
эътиқод деб,  
талаштирди.  
Муҳаббатга етаклади —  
бир қиз билан  
аҳдлаштирди.

Баъзида  
тошларга қоқилганимни,  
баъзида  
тойиниб йиқилганимни,  
гоҳ энгиб,  
гоҳида энгилганимни  
ҳеч қачон  
йўллардан кўрмадим.  
Бу ўзимнинг айбим

деб билдим.  
Ахир йўллар  
азоб чекмасми,  
устидаги тош ёки муздан?  
Қутгашмасми  
ўзлари ёрдам?  
Сесканмасми  
биров йиқилганида?!

Энди шу хокипок  
йўллар ҳурмати,  
йўл, дея қабарган  
қўллар ҳурмати,  
виждон амри,  
соф эҳтиёж-ла,  
севганга қўлдош,  
юрганга йўлдош бўла оладиган  
катта бир йўл  
қуряпман қалбимда.

Ахир,  
менга,  
сенга—  
ҳар биримизга —  
умримизга  
йўл бериб бугун,  
ўзи йўлни йўқотаёзган дунёга  
қалбимизнинг муҳаббат йўли  
гўёки бир  
тўтиёдай зарур!

\* \* \*

Армони йўқ, ўз юрагини  
Меҳру ишққа ватан этганнинг.  
Шу ватан кўп яшашин билиб  
Сўнгра, бу дунёдан кетганнинг.

Уни ёлғиз қўйишмас гуллар,  
Етганида сўнги жойида,  
Ватанидан саломлар айтиб,  
Тизилишар ҳар кун пойида

### ЧУЛПОНГА

Ёлғон сўзлар —  
кўринмас кафан  
танзимизни  
ютмоққа шайдир.  
Фол очишиб  
истиқболлардан,  
қолган умримизни  
сўрайдир.

Таъмага сотилган  
умидлар  
ёлғон кафанинда  
биталар.  
Рост сўзлар  
қалблардир,  
тиғ бўлиб  
бу кафанни  
бир кун йирталар!



## КУҲНА УРГАНЧ ЧОРЛОВИ

Бугун янги Урганч кўчаларида  
дилхуш кезган  
хоразмлик ўғлон,  
бир хаёлинг учса  
минг йил наридан  
бўзлаётган  
мозийга томон,  
менга кел,  
оҳиста руҳингдан ушлаб,  
бир кўрсатай  
Ватан сабрларини.  
Бир кўрсатай  
алаҳсиб тушлар  
кўраётган улуғлар қабрларини

Бугун янги Урганч кўчаларини  
сармаст юрган  
йигит — яланглар,  
агарда  
тарихнинг тўйнуқларидан  
боқмоқни  
орзулаб қолсанглар,  
менга бир келингиз  
имконни енгиб,  
жонингизга қадар  
ҳайрат тўлдирай.  
Кўнглингизда кибр  
яшнатмиш нени,  
армон, умид бериб  
ўлдирай!

\* \* \*

Бир илҳомчи  
ҳамроз бўлмаса,  
шеърим,  
ёлғиз кўнгил тўлмайди.  
Меҳру ишқдан  
эъзоз бўлмаса,  
келган давлат  
бахтинг бўлмайди.

Бахт, деган қуш  
нурларга сингган,  
У юлдуздек —  
ёғиб битмайди.  
Учса,  
хаёлинга ўт этиб,  
бир нуқра.  
ташламай кетмайди.

**ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТИ  
СУЛТОНПОШША РАҲИМОВАДАН  
ЎТИНЧ**

Опа,  
яна қўшиқлар айтинг,  
айтинг Зуҳра  
ёки Санамдан.  
Достонлардан  
қуш бўлиб қайтинг,  
кўнгилларнинг  
кўклами билан.  
Опа,  
яна қўшиқ айтинг Сиз,  
Хайлни аллаланг,  
«Мучук»<sup>1</sup> деб  
Ўраб беринг,  
бизлар билмаймиз,  
руҳимиздан  
«ҳолинг нечук», деб,  
Сиз куйланг,  
уйғотинг албатта,  
мангуликлар ёр  
таомилни.  
Хоразмда  
кичигу катта  
кўп соғинган Сизни,  
Комилни.

---

<sup>1</sup>. Машҳур алла.

## МУҲАББАТ

Кулча бўлиб олган илон каби гоҳ  
Нақ юрак устида қилади жоду.  
Гоҳида уззукун каптардай дилхоҳ,  
Оппоқ деразадан чулдирайди у.

Гоҳо қиров узра шуъла сочади,  
Гоҳ нозбўй чайқалса бўлгай намоён.  
Лек ажиб бир сирли олиб қочади,  
Шодлигу оромнинг мулкидан осон.

Жондайн бир ширин нола тортади  
У гижжакнинг соғинч тажассумида.  
Таниб қолсанг уни ваҳминг ортади,  
Бировнинг нотаниш табассумида.

Дунёдан нур эмиб, ҳаётга чанқоқ,  
Ерга илк қадамлар ташлаган дамда,  
Қўлларингиз ёзиб, мададга муштоқ,  
Турган эдингиз-ку қараб орқамда.  
Онажон, қўрқмангиз энди йиқилсам,  
Йиқиларман Ватан қўлларига ман.

Катта байрам эди, қўлларим байроқ,  
Уйнаб борар эдим отам кифтинда,  
Байрам, деган сўзни аниқ ҳис этмоқ  
Балки насиб этди менга шу кунда.  
Отажон, ғам еманг, энди байрамни  
Мен баланддан эмас, қалбдан излайман.

Қандай яшардик-а...  
Сен ширин  
каломлар айтардинг тўтидай.  
Мен кўзни босардим  
лабингнинг  
лабларимга хафли ўтига.

Қандай яшардик-а...  
Боғларда  
гулмас, орзуларинг яшнарни.  
Юзларимни тутсам уларга,  
ортар эди.  
ҳаётбахш дардим.

Қандай, яшардик-а...  
Ғамзалар  
чаманида жавлон қилардинг.  
Мен кулгунгнинг  
атридан сармаст  
тоъле нелигини билардим.

Қандай яшардик-а...  
Дунёнинг  
ҳисоб-китобига бош қўшмай.  
Аммо бари битди,  
ногаҳон  
охирига етган қўшиқдай!

Қандай яшаймиз-а...  
Елгонлар  
ростдан бузган  
кўнгиллар нақшин...  
Иккимиздан табиат энди  
бир ёмон қасд олмаса яхши!

## ҚАБР ТОШИДАГИ ЕЗУВ

Тилла соат  
тақмас эди у,  
йўқ эди  
тилладан узуги.  
Ясама тиши ҳам  
фақирнинг  
тилладан эмасди, албатта.  
Тиллалар тилини  
тушунмай ҳаргиз,  
У малакдай  
сокин яшаган эди.

## КЕЧ ҚУЗГИ ҚАЙФИЯТ

Гулларнинг бўйини силаб-суйгувчи,  
Дарахтлар бошидан сувлар қуйгувчи,  
Кўнгли шишасини аста ювгувчи  
Баҳор ёмғирларин соғинаяпман.

Қим ёлғиз — орзусин тиргизар эрди,  
Қим бедард — армонин кўргизар эрди,  
Қим ошиқ — ёри-ла юргизар эрди,  
Баҳор ёмғирларин соғинаяпман.

Қумурсқа, не азоб югур-югуринг,  
Чумчуқ, ғийбат сенинг чуғур-чуғуринг.  
Қалдирғоч, ўзини кўр кўклам ҳузурин,  
Баҳор ёмғирларин соғинаяпман.

Дилларда хазондек оғу бўлмасди,  
Ишқдан бўлак ҳавас, орзу бўлмасди,  
Улмак ҳеч кимсага қайғу бўлмасди,  
Баҳор ёмғирларин соғинаяпман.

«ЗУЛМАТНИ ТАРҚ ЭТИБ...»  
ФИЛЬМИНИ ҚУРИБ...

Мирзо Анвар,  
бўлар иш бўлди.  
энди Тошкент бўйлаб  
кезиб юрасиз.  
Дардларингиз  
кўп бўлса ҳамки,  
Сиз фақат севгидан  
суҳбат қурасиз.  
Ахир ҳазилмидир:  
ўлимни ўлдириб,  
қанчалар йўл босиб,  
тамом шикастсиз  
Бу кунларга  
етиб келганингиз?!  
Сиз эса  
жилмайиб куласиз  
ва дейсиз:  
— Ҳазилдир, ҳазилдир,  
дўстларим,  
севгидан бошқаси.  
Мирзо Анвар,  
қараяпсиз  
ҳар кимга бир-бир  
Меҳр билан  
Севгингиз билан.  
Бизга,  
Утдай кўзга,  
Қараш оғирдир,  
қараш оғирдир!



## У

Уникидай ҳаворанг кўйлак  
кийиб юрган қизларнинг бари  
гўзал кўринарди кўзимга.

Бутун бир мактабнинг болалари  
назаримда бахтиёр эди.  
Унга ҳар кун бир бор туртиниб.

Энг баджаҳл тажанг муаллим  
Унга аъло баҳо қўйган дам,  
менга қўйдек ювош туюларди.

Гўзал қизлар,  
бахтли болалар,  
ювош муаллимлар учун ҳам  
Уни севган эдим  
Жон қадар...

## ҚИЙНОБА

### I

Тарих учун мунис, хилват бир маскан  
Қўҳна Урганч ёддан чиқармас ҳаргиз:  
Неча минг бандини қийноба билан  
Муҳаққақ ўлимга йўллаган Чингиз.  
Тир эмас, ўт эмас, қийноба нечун,  
Маъқул тушмуш ҳунрез мўғул хонига?  
Ўзни алдадими атиги бир кун,  
Асирни бўямай қора қонига?

Балки қувонтирган кашфи ҳоқонни:  
«Ўтдан, сувдан—қолар, туздан—қолмайди!»  
Туздан бошқа нарса минг-минг инсоннинг  
Жонини бир йўла ямлаб олмайди!»

### II

Қийноба—лақамча<sup>1</sup> солган оғизга  
Қуйилган қийноқ сув — оддий намақоб!  
Лекин қийнобага қиёслар излаб,  
Руҳимда безовта ҳадик беҳисоб.

Орол тилка-тилка аҳли Хоразм  
Қақроқ лабларни шўр сувга тутади.  
Хўжа минорага<sup>2</sup> солсам-да разм,  
Хаёлларим тахир гумон ютади,

---

<sup>1</sup>. Икки учига ип боғланган тахтача.

<sup>2</sup>. Хивадаги машҳур минора.

Чингизнинг саргардон хоки гардидан  
Қонига ўт тушиб бирор олчоқнинг.  
Наҳот қийнобага рўбару этган  
Қайғудош Хоразм Қорақалпоқни.

### III

Минг ҳоқон қўлингда қумурсқадан кам,  
Эй қодир табиат — одам падари.  
Ўзингга маълумдир халқмас сира ҳам,  
Туз билан ўйнашган—«халқ оталари».

Бугун ошкор замон кўзгуси узра  
Аён ким хокисор, кимлар бадкирдор.  
Халқ эмас у—шубҳа—гумонлар ичра  
Оғзида ҳали ҳам лақамчаси бор!

Халқ ахир ғанимат шу ватан учун  
Ўт кечди, сув кечди—аямади жон.  
Лақамчани узган оғзидан бугун  
Қийноба устига томчилайди қон!

## ҚУРИЁТГАН ГУЖУМГА ИЛТИЖО

Гужум, ҳозир гапир,  
сўнг фурсат бўлмас,  
Биламан, отамдек  
огир бетобсан.  
Бир васият қолдир,  
Кўнглим тинч эмас,  
Аламларнинг зил юки билан.  
Менга аён айла.  
қандай хатолиғ  
Кўнгилдан, кўзлардан  
сўзлардан ўтди.  
Имон дарз кетдим,  
эътиқод отлиғ  
Устунлар ёнарми,  
гуноҳда — ўтда,  
Нега юрагимга  
руҳ азоб бергай?!

Чинордек отамни  
ахир не учун  
Бевақт кўмиб келдим  
икки газ ерга?!  
Қутурган ит каби  
бир дард ўттиз кун  
Уни талаганда  
лол турдим, қайси  
Юзим билан ожиз  
суратдай бўлиб.  
Кўзим бўядими  
тахта устаси  
Дурадгорга ўхшаш  
шифокор қўли?!  
Гужум, ҳозир гапир,  
сўнг фурсат бўлмас,

Биламан, отамдек  
оғир бетобсан.  
Бир васият қолдир,  
Кўнглим тинч эмас,  
аламларнинг  
зил юки билан  
Менга аён айла:  
қандай хатолиғ  
Ўтмишдан, бугундан  
ёзғутдан ўтди,  
Наҳот руҳ аталган  
Чақмоқдек отлиқ  
Биздан осмон қадар  
йироқлаб кетди —  
Нечун кўнглим ичра  
армон пайдар-пай?!  
Рўпарангда сўнги  
илинжи учун  
Йиғлаб турган ночор  
етим боладай,  
Вужудим сув қилиб  
эритдим гужум.  
Сен мени ниҳоят  
авлодинг билиб,  
Армонларинг юкин  
қалбимга жо қил.  
Ҳеч бўлмаса, сўнги  
бир сўз — тасалли  
Бу дунёнинг кўҳна  
таърифин айтгил!

## ИШОНЧ ЗАРУРАТИ

Мен сенга ишондим,  
ачинмам,  
маймунлар йиғласа  
ҳолимга.  
Сенга ишонганим,  
дўстгинам,  
эрк бермоқдир  
ўз хаёлимга.

Мен сенга ишондим,  
қайғурмам,  
Хиёнатнинг жарларин  
ўйлаб.  
Сенга ишонмасам,  
азизам,  
юролмам ўз юрагим  
бўйлаб.  
Сизларга ишондим,  
гамим йўқ,  
қисматимда !  
агар кул бўлмак.  
Ўзи  
менинг парвона янглиф  
ишончимга  
шамчиरोқ керак!

Севганиннга кўра  
Ўлгудек севсанг,  
Кучинг қолса фақат,  
нафас олишга.  
Бир бор тикилишга  
жонингни тиксанг,  
Рози бўлсанг  
қариб қотиб қолишга.

Севганиннга кўра  
Ўлгудек севсанг,  
маҳбубангдан бўлак,  
тангринг бўлмаса,  
сен ундан ҳаминша  
ижобат кутсанг,  
Лек ҳеч илтижодан  
кўнглинг тўлмаса.

Севганиннга кўра  
Ўлгудек севсанг,  
ўзни тутиб берсанг  
кўргуликларга.  
Энг қаттиқ  
азоблар ичра ҳаётинг  
дўниб бораверса  
эзгуликларга.  
Севганиннга кўра,  
Ўлгудек севсанг,  
Лол қолса  
тириклик гамин еганлар.  
Улар англолмаса,  
Сен айтолмасанг,  
ахир, ўлишмас, деб,  
Ўлгудек севганлар...

Мен биламан: сиқилганди юрагингиз,  
Уртангансиз икир-чикир, ёлгон гапдан.  
Шунда олов бўлмоқни ҳам ўйлагансиз,  
Сўнг дегансиз: «Менга нима, қолмай нафдан».  
Қўлни силтаб, астагина «ух» тортганда,  
Армонингиз кўкка учган бўлиб тутун.  
Кўнглингиз ҳам, кўзингиз ҳам кўникканда,  
Уртанишни ҳам қўйдингиз келиб бир кун,  
Энди сизга сўз демаклик ортиқчадир,  
Огримайди юрагингиз биров учун.  
Вужудингиз ўзингизга оғир юкдир,  
Дўстлигингиз фақатгина бир тил учи.  
Ҳассасини йўқотган бир кўр одамдай  
Хаёлингиз забт этганда гумон ваҳми,  
Сизга бахт ҳам туюлади масхарадай...  
Сиздан қўрқиб ҳам одамнинг келар раҳми.



## КУҲНА УРГАНЧ

У — ҳароба,  
Қўҳна бир шаҳар,  
Минг йиллик имонга  
тиргович, холос.

У—

Хотира минг йилдан буён  
Эгнидан бир бора  
ечмаган либос!

\* \* \*

Баҳор қадам қўймагай  
Висоли наврўзингсиз.  
Олам нурга тўлмагай  
Жамоли афрўзингсиз,  
Очарларму юз ногоҳ  
Ахир гуллар боғларда,  
Гўзалликнинг бордир, оҳ,  
Малоли юз—кўзингсиз.  
Қуёш дилда бир қўшиқ,  
Тилим эди кўп бурро,  
Сўзин йўқотган нотик  
Мисолимен сўзингсиз.  
Қараминг жамлаб кўзга,  
Кўзимга бир назар сол,  
Ахир ашқидан ўзга  
Не ҳоли бор ўзингсиз.

## СЕРГУМОНЛИК КАСАЛЛИГИ УНИНГ ДАВОСИ

врач Ҳабибулло Иброҳимовга

Ҳеч бир душман,  
ҳеч бир ёсуман  
хаёлингга  
тинмагур илон—  
гумон каби  
тахдид солмайди.

Умидингнинг  
гулгунчалари  
игна каби  
ваҳм заҳмидан  
тутдайин  
тўкилмай қолмайди.

Юзларингда  
армон муз қотиб,  
ғанимларга  
тутиб беради  
сени ҳар кун,  
ҳар бир кўчада.

Ичасан,  
бегумон ичасан,  
шароб, деб  
гумоннинг орзуси —  
аламни  
қоронғу кечада.

Муқаррар кўргилик юзига  
тик боқиб

эрк учун тикканда,  
аламзада  
ўртанган жонни,  
кўзларингдан  
тушиб қочади  
ишончни  
арқондек чирмаган  
бу бедаво  
гумон ижони!

\* \* \*

Иккимиз ҳам ўртанамиз жим,  
Иккимизнинг маъюс сўзимиз.  
Кимдир биздан умидвор балким,  
Илинж тополмасмиз ўзимиз.

Иккимизга оғирдир ҳазил,  
Кўзимизда толган тилаклар,  
Уртамизда сарсон неча йил,  
Кўксимизда зада юраклар.

\* \* \*

Гулзор эмас,  
ҳар ер—ҳар ердаги  
пароканда,  
бедармон гуллар.

Гулзорларни  
орзулаётган  
фидойилар,  
жангчилар улар.

Кўнгилларни  
ўт олдирмоққа  
гулзор керак —  
беармон гуллар —  
минг-минг масрур,  
ял-ял товланган  
бу ҳаётга  
андармон гуллар.

## АННА ГЕРМАН

Анна Герман Урганчда туғилган.  
Унинг номига шу шаҳарда кўча бор.

Париж эмас,  
Амстердам эмас,  
интизоринг — Урганч, қизалоқ.  
Хоразмдир  
киндигинг кесган,  
илк бор сенга уриб шапалоқ.

Ҳали уруш —  
қўли қон қассоб  
тирноғининг бир учи билан  
юлиб олса эртак китобинг,  
Ўзбекистон меҳрин ўқирсан.

Варшава —  
руҳингнинг Ватани  
Юрагингга оташ жойлайди,  
Сени тождай  
кўтариб бошга  
овозинг юлдузга бойлайди.

Европа —  
ланг очилган оғиз,  
Мағриб, Машриқ —  
ҳайрат тўла кўз  
сенга гулмас,  
ўзни тутганда,

Хаёлингга келар битта сўз:  
«Урганч!»— Олисдаги муштипар,  
Шунда, «Умид»ингни айтасан.  
Улимлардан қўрқмагил, Анна  
Урганчда туғилгунг қайта сан!

## ОТАМНИНГ ЖОНИ

Тор қафасга  
сигмай қолган Жон  
минг бўлакка  
бўлинган бугун.  
Ойна синигидек  
йиғарман  
Мен уларни  
ҳар ердан  
ҳар кун.

Йиғаман:  
Қатағон даврлар  
ханжари  
танимга санчилиб,  
урушнинг тўрт йили  
остида  
қўлу оёқларим  
янчилиб.  
Йиғаман:  
ваъдалар қуюни—  
кўзларни очирмас  
унлардан,  
Бир собитмас,  
ярим худолар  
бахтларни элаган  
кунлардан.  
Йиғаман сўнг  
қайта қуришнинг  
бўёғи ўчмаган  
изидан  
Ҳам англай бошлайман:  
замонлар  
юрар одам

жонин изида...  
Йиғаман, йиғаман —  
хаёллар/ташбеҳлар яратар  
кўнгилда.  
Хотираинг  
соғинч риштаси  
тасбеҳлар яратар  
кўнгилда.

\* \* \*

Ҳаёт  
афсонавий жонбахш деб эрур  
Улим тўшагида ётган одам ҳам  
Ундан дудоғини узгуси келмас.  
Бетакрор бир бўса —  
Ҳар инсон умри!

Лекин ҳаёт —  
Шу гўзал ҳилқат,  
Ҳеч кимсани  
Кутиб туролмас  
У тафти йўқ  
Эски изларни  
вақт билан тез  
чайиб ташлайди.

## ТАҚДИР

Урушда душманни қаҳшатган одам—  
Орденлари бир талай тоғам  
Ўзимизнинг адолатпеша,  
инсонпарвар суднинг олдида  
боладай бош эгиб ўтирди.

У ўзининг эски машинасида  
орқасига қайрилаётган дам,  
Янгигина мотоцикл миниб,  
дайди ўқдай учиб келаётган  
болакайни уриб йиқитган эди.

Набираси билан бир йилда туғилган,  
Қонунларни сув каби ичган  
Энг билимдон саналган ҳакам  
қироат-ла ўқиди қарорни:  
«...озодликдан маҳрум этилсин!»

Ҳаммамиз ачиндик тоғамга  
жабрланган ўша болакай  
Кўрсатса-да яра битган оёғин,  
даъводан кечса ҳам унинг отаси,  
ҳеч кимнинг қўлидан ҳеч иш келмади.  
Кимдир шунда киноя этди:  
«Рост-да, нега маош тўлайди  
Қамамаса давлат уларга!!»  
Тоғам кўп ётмади қамоқда,  
Байрам шарафига авф этишди.  
Ҳозир у кўксига орденлар тақиб  
Миниб чиқмас «Победа»сини.  
Машиналар қатновидан, бугун  
Ерилгудек бўлиб турган йўллардан  
Юрмоқ мушкул туюлар унга.



## ВИДО

Қўшним қазо қилди,  
барча тўпландик,  
азасини тутдик, марҳумнинг.  
Қимдир шунда  
эсига олди  
ўзига қилинган яхшиликларни.  
хаёлига келди кимнингдир  
Бечора биргина ўглини  
ўқишга киритмай кетгани.  
Биров эса дилдан ачинди  
Бўйи етган етим қизларга.

Бахти қаро,  
оҳ, шўрлик хотин,  
«Қаттиқ сўз демаган оғажоним» деб,  
армон билан қарслар урганда  
хаёлларда чақмоқ чақнади:  
«Қандайин бетакрор инсон эди у!»

Кейин ёмғир...  
бутун тун бўйи  
чалиб турди  
маҳзун бир куйни.

Қизил олма каби юрагимизни  
талаб ётар кўп кушандалар.  
Битта ўқдай сўзнинг оғромидан<sup>1</sup> то  
ваҳима вазнича келади улар.

Кўкрак қафасига  
минг бор тикилиб  
уларни бир бора  
топиб бўлмайди  
Энг ўткир кўз,—  
ҳийлагар рентген  
кўр бўлиб  
айбини ёпиб билмайди.

Ўзликдан кўз юмсанг,  
ўзлигинг учун,  
хаёлинг  
ҳақиқат тиғига айлангай.  
Шунда сен уларни  
бир армон билан  
кўрарсан  
олманинг қуртин кўргандай.

---

<sup>1</sup>. Оғирлиги.

\* \* \*

Ер билан ўтган бир дам  
Файзига байрам етмас.  
Ерсиз ўтган дамларнинг  
Фигонига ғам етмас.  
Единг-дил ришталари,  
Ҳаволансам, заминга  
Тортарда жон муаллақ,  
Узилмоққа дам етмас.  
Кўнгилни гоҳ олдирсам,  
Ҳавасни гар ишқ билиб,  
Ишқидан учқун сачраб,  
Куярман малҳам етмас.  
Севинч жайронларини  
Қуюн каби етаклаб,  
Келганида на хонам,  
Оламу олам етмас.  
Нуқта мисол кичрайиб  
Умрига нуқта қўяр,  
Меҳру ишқ хитобидан  
Кўзларига нам етмас.

## ОДАМ

Қор оламни босди, томларда  
ортиқча иш бўлди одамга,  
Одам эса зорланмай сира  
Йўлни очди, сўнг чиқди томга.

Қаҳратон ўртанди, дарғазаб  
яширди қуёшни, ойни ҳам.  
Одам одам билан чақчақлаб,  
Чой ичарди уйда хотиржам.

Барибир соғинди баҳорни  
тоғбардошли, саботли одам.  
Бағрига боладай отилди  
Баҳор Ерга қўйганда қадам.

## ФИЛЬМ УЧУН ЛАВҶА

Эҳтиётсиз хотин  
сопол лагани  
тушириб юборди қўлидан,  
бепарво эрига узатаётиб...

Сўнг улар бир-бирин  
айблашди роса,  
айтишишди  
тилга келгани,  
кигизга тўкилган ошни кўрсатиб.

Йиғлашни ҳам,  
кулишни ҳам билмай,  
заҳар янглиғ сўзларга тўйиб,  
бечора болалар  
қўзғалдилар аста.

Телевизор кўрмай,  
чироқ ўчирмай,  
ҳатто уст-бошини ечмасдан  
ўранишди улар  
кўрпага аста...

## УМИД ГУЛИ

Илинжлар илиниб  
юлдузга,  
Орзулар боши берк  
кўчага кирди.  
Тун бўйи  
сигиниб кундузга  
умид гули  
титрайди нурда.

## ҚУШИҚ

Қўшиқ —  
сўзнинг ҳарир сурати—  
дунёнинг ранглари  
қоришган бўёқ.  
Мусаввирнинг  
мўйқалам тутган  
қўлидаин  
армон билан тез  
югуради  
овоз кўксингда...  
Бир куч  
сезасан-да ўзингда,  
бахтинг гулгуласин  
чеккага суриб,  
юпанч қидирасан  
армондан...

## ҲАЁТИЙ ТАЖРИБАЛАР

Ичончди  
кимёвий қонун сингари  
инсоннинг  
ҳаётий тажрибалари.

Масалан, денг,  
чиройли сўзлар  
ҳаво билан  
бирикса агар,  
кўп хунук ишларга  
айланар.

Кўмир каби  
кўп хунук ишлар  
қаҳру ғазаб  
таъсири билан  
бир лаҳзада  
кулга дўнади.

Такаббур кўргайдим,  
мағрур кўргайдим  
кўп йиллар кўрмаган мактабдошимни.  
Шунда  
балки бир оз ғазабим келиб  
ғуссадан қутқарар эдим бошимни.

У менга  
оғир дард,  
кўп омадсизлик  
гул каби сўлдирган юз-кўзи билан  
Шундай бир тикилди,  
таърифлаш қийин!

Гуё бир сирли куч  
Кўзимни боғлаб  
улоқтирди кўп йил орқага мени.

Бир лаҳзада  
Яна ношуд ўқувчи —  
Ҳеч нарса кўрмаган болага  
айланиб қолгандек сездим ўзимни.

Энди йигирма ё  
Уттиз йилдан сўнг  
(балки хаёл билан илдамроқ)  
уни кўрган кунга яна  
етмоғим мумкин.

Шунда мен ҳам  
бирор кимсага  
хокисору ғариб кўринсам агар,  
демак, менинг  
барча мактабдошларим  
фақат ўз бахтини  
ўйлашган бўлар.



## ҲУҚУҚ

Кўзингизга қарамас эдим,  
истагимга қарши борсам-да.  
Кенгликлар уфқни бузишдан,  
тинч денгизни чайқалтиришдан  
ўзни тийгандим.

Кўчалардан, йўллардан Сизни  
ҳеч ошкора изламаганман.  
Одамлар наздидаги доғлардан,  
қанотли-қанотсиз гаплардан  
авайлагандим.

Ҳеч кимсага Сиз ҳақингизда  
сўзламадим биринчи бўлиб.  
Лекин Сизни ким «ёмон» дегай,  
нигоҳимда сўзин ҳашакдай  
ёқиб юбордим.

Бари, бари учун  
Сиз менга  
Изингиздан,  
Истаганимча  
Қараб қолиш Ҳуқуқин бердингиз.

## БИТИМ

У алдади —  
«Севаман» деди.  
Кўнгилга қадади  
сўзини.  
Қиз бу сўзни  
интиқ кутарди,  
қувончидан  
юмди кўзини  
ва юзлари  
лоладай ёниб,  
ёвонга топширди  
ўзини.  
Бир сўз ва икки кўз  
битими  
қаро қилди  
қизнинг юзини.

## КАМАЛАК

Саркаш кўнгил орзуларига  
Қамалакни камар этмакка  
Шошилмагил, симобдай хаёл.  
Интилма кўп  
уфққа етмакка.  
Бу алвон уфқнинг ортида  
Жарликдир —  
осмондан ер қадар!  
Қамалак туғ эрур,  
туғ эса  
хавф-хатар устига  
қадалар!

## ХАЗОНРЕЗГИЛИК

Само ,  
булутларга айланди,  
япроқлар  
омонат дийдирар.  
Кўкрак қафасига  
бойланди  
орзу отлиғ  
эрка оҳулар.  
Нигоҳлари  
уфққа етиб,  
«пишиб турган» чоллар  
хўрсинар.  
Ахир куннинг  
қуввати кетиб,  
тун  
эгарлиғ отига минар.  
Эшик тутқичини  
оҳиста  
ушлайман,  
Кўзларим тўнгади...  
Биллолмаймаман:  
хазонни қистаб,  
табиат нимани  
енгади?!

## НОТИҚ

Нотиқ дўстим—ёвқур саркарда,  
Сўзларинг жангари лашкардир.  
Сен ёлғон десанг агарда,  
Халқинг учун сўнги хатардир.

Нотиқ дўстим — ҳакам шиддаткор,  
Сўзларинг даврга ҳукмдир.  
Сен агарда бўлсанг беқарор,  
Ватан кўргуликка маҳкумдир.

Нотиқ дўстим — дилга жо умид,  
Сўзларингдир уйғонган боғлар.  
Сен агарда бўлсанг ноумид,  
Кўнгилларни тарк этмас доғлар.

Нотиқ дўстим — узоқ бир сафар  
Сўзларинг шафақдир бегумон.  
Тонг чопари бўлмасанг сен гар,  
Тун элчиси бўлишинг аён.

## ҲАЁТ

Ҳеч кимдан  
насиҳат олмайди Ҳаёт.  
Насиҳатдан  
фақат терслиги ортар —  
Йиғлоқи ўғлини  
бағрига босиб,  
уйчан ўғлин силтаб  
қўлидан тортар.

Эй ёр, сенга хур эрмас,  
                    Кувончимни гам билдим,  
Сенгаки баҳра бермас,  
                    Сўзимни алам билдим.  
Бор мулкени кўнгилдан  
                    Жилмайишинг учун бир,  
Тўқдиму ҳижолатман,  
                    Баҳосни кам билдим.  
Вафони дил эҳтиёж  
                    Умр этмиш ихтиёр,  
Бевафолар беилож,  
                    Гўё сўнук шам билдим.  
Бу маъвода боғ йўқдир,  
                    Ёздиргали кўнгилни,  
Суянмакка тоғ йўқдир,  
                    Сенсиз қолган дам, билдим.  
Само агар чароғон,  
                    Юзинг деб бошим баланд,  
Кўк юзи тўсилган он,  
                    Қадди — бўйим хам билдим.  
Хаёлларим — фикратинг,  
                    Сўзларинг — жон қушлари,  
Бу оламнинг ҳикмати  
                    Бир ўзингда жам, билдим.

## ЮГУРИБ БОРАЁТГАН ОТНИНГ МАНГЛАЙИ

Югуриб бораётган отнинг манглайи  
тафт беради бутун атрофга.  
Ҳар лаҳзада  
унга анграйиб  
қийшайиб қолади кўзлари,  
отчалик манглайи.  
бўлмаганларнинг.

Ҳар қадамда  
тошлар, бақалар  
отдан баланд санаб ўзларин,  
туришар шу  
манглай қасдида.  
Улар ҳам ўз қисматидан шод  
эговлашиб  
пўлат  
наъллари.

Югуриб бораётган отнинг манглайи—  
Имиллаган Вақт билан Қураш—  
олис йўлда туғилган Исён.  
У қамчига  
Ўзни уради  
потраган қон билан қорайиб...

## МУНДАРИЖА

Чол ва денгиз . . . . .	4
Гулдон . . . . .	5
Йўллар . . . . .	6
«Армони йўқ...» . . . . .	8
Чўлпонга . . . . .	8
Кўҳна Урганч чорлови . . . . .	9
«Бир илҳомчи, ҳамроз бўлмаса...» . . . . .	10
Утинч . . . . .	11
Анна Ахматовадан . . . . .	12
«Дунёдан нур эмиб...» . . . . .	13
«Қандай яшардик-а...» . . . . .	14
Қабр тошидаги ёзув . . . . .	15
Кеч кузги кайфият . . . . .	15
«Зулматни тарк этиб» фильмини кўриб . . . . .	16
У . . . . .	17
Қийноба . . . . .	18
Илтижо . . . . .	20
Ишонч зарурати . . . . .	22
«Севганингга кўра...» . . . . .	23
«Мен биламан...» . . . . .	24
Кўҳна Урганч . . . . .	25
«Баҳор қадам қўймагай...» . . . . .	25
Сергумонлик касали . . . . .	26
«Иккимиз ҳам...» . . . . .	27
«Гулзор эмас...» . . . . .	28
Анна Герман . . . . .	29
Отамнинг жони . . . . .	30
«Ҳаёт афсонавий жонбахшлаб эрур...» . . . . .	31
Тақдир . . . . .	32
Видо . . . . .	33
«Қизил олма каби...» . . . . .	34
«Ёр билан ўтган бир дам...» . . . . .	35
Одам . . . . .	36
Фильм учун лавҳа . . . . .	37
Умид гули . . . . .	38
Қўшиқ . . . . .	38
Ҳаётини тажрибалар . . . . .	39
«Такаббур кўргайдим...» . . . . .	40
Ҳуқуқ . . . . .	41
Битим . . . . .	42
Камалак . . . . .	42
Хазонрезимлик . . . . .	43
Нотиқ . . . . .	44
Ҳаёт . . . . .	44
«Югуриб бораётган отнинг манглайи...» . . . . .	46

Литературно-художественное издание

На узбекском языке

СОТИМ АВАЗ

(СОТИМБОИ АВАЗОВ)

Право

Стихи

Ташкент, издательство «Ёш гвардия», 1990

Редактор *Тўлқин*

Техн. редактор *Ж. Нодирова*

Рассом *Х. Рахматуллаев*

Расмлар муҳаррири *М. Адылов*

Корректор *С. Сайдолимов*

ИБ 2759

Теринга берилди 30.01.90. Босишга рухсат этилди 18.04.90.  
P07749. Формати 70×90<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. № 1 босма қоғозга «Литератур-  
ная гарнитурада юқори босма усулида босилди. Босма  
листи 1,5. Шартли босма листи 1,75. Нашр листи 1,52. Ти-  
ражи 5000. Буюртма 71. Шартнома 81—89. Баҳоси 20 т.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия»  
нашриёти. 700113 Тошкент, М. Чилонзор, 8 квартал, Қатор-  
тол кўчаси, 60.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси  
ишлари Давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия  
ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-босмахонасида босилди.  
Янгийўл шаҳри, 702800. Самарқанд кўчаси, 44.